



Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳаққон қарори

12.12.2022 йил

Гўзалкент

4-1407-2201/2111-сонли иш

Пастдарғом туманлараро иқтисодий суди, судья Л.Асатов раислигида, Э.Бойзоқов суд мажлиси котиблигида, аризачи – [REDACTED] (бундан буён матнда [REDACTED] деб юритилади), жавобгар – "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган аризаси бўйича ишни, суд биносига, очиқ суд мажлиси муҳокамасида, аризачи вакили [REDACTED] (23.05.2022 йилги 19/1-04833-сонли ишончнома) иштирокида кўриб, қуйидагиларни,–

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи – [REDACTED] иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар – "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамиятининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида муҳокамасида иштирок этган аризачи вакили судга маълумотномани тақдим этиб, ўз тушунтиришида жавобгар томонидан суд мажлиси кунига қадар солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлиги сабабли арз қилинган талабни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар иштирок этмади. Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 220-моддасига асосан ишни жавобгар иштирокисиз, ишдаги мавжуд ҳужжатлар асосида кўриб чиқиб, мазмунан ҳал этишни лозим деб топди.

Суд, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, аризачи вакили тушунтиришини тинглаб, қуйидагиларга асосан арз қилинган талабни қаноатлантиришни лозим деб топди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланишича, "[REDACTED]" масъулияти чекланган жамияти томонидан 2022 йил сентябрь оyi учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда солиқ органига тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботи илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, ушбу Кодекс 273-моддасига биноан солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ



органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Солиқ органи томонидан " [Redacted] " масъулияти чекланган жамиятини раҳбарлигида қўриқиб келинган ҳисобварақларида 25.10.2022 йилда хабарнома юборилган.

Бироқ жавобгар томонидан 2022 йил сентябрь ойи учун айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи 25.11.2022 йилгача тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 111-моддасига мувофиқ юридик шахслар ва яқка тартибда тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида ва бошқа ҳолларда қўлланилиши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Суд, аризачи вакили тушунтиришини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, далилларга баҳо бериб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни, жавобгар томонидан Солиқ кодексига белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботларини топшириш орқали ҳуқуқбузарликни бартараф этгунига қадар унинг банк муассасасидаги барча ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг чиқим қисмини тўхтатиб қўйишни ва қонунга асосан давлат божи ундирмасликни лозим деб топди.

Юқорида баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 113,176-179,186,216-217,220-221,222-моддаларига амал қилиб, –

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Арз қилинган талаб қаноатлантирилсин.

Жавобгар – " [Redacted] " масъулияти чекланган жамияти томонидан қонунда белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органига солиқ ҳисоботларни тақдим этиш орқали ҳуқуқбузарлик бартараф этилгунига қадар унинг банк ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатиб турилсин.

Солиқ кодекси 111-моддаси 5-қисмига мувофиқ жавобгарнинг ардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши



фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ҳал қилув қарори ажрасини татбиқлаш унинг жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига суд ҳужжати тақдим этиш аризачи – [REDACTED] зиммасига юклатилсин.

Аризачи – [REDACTED] зиммасига ҳуқуқбузарлик бартараф этилган тақдирда бу ҳақда [REDACTED] жавобгарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига бир кун муддат ичида банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақида [REDACTED] равишда кўрсатмани тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

Аризачи – [REDACTED] нинг ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги ва банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тиклаш ҳақидаги кўрсатмаси асосида ҳисобварақлардаги операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори устидан 10 кунлик муддат ичида апелляция шикояти бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик этувчи

Л.Асатов

